

АМРИЛЛО НАРЗУЛЛАЕВ, техника фанлари номзоди, доцент.

АКМАЛ АМИНОВ, БухДУ чизма геометрия ва чизмачилик кафедраси ўқитувчиси.

ОДДИЙ БУЮМЛАРНИ ЛОЙЎХАЛАШ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўқувчиларга чизмани бажариш ва уни ўқишни ўргатиш билан бир қаторда фазовий тасаввурларини ривожлантириш ҳам чизмачиликни ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чизмачиликни ўқитиш жараёнида фазовий тасаввурни ривожлантиришнинг вазифаси ўқувчиларга таниш оддий геометрик шакл (призма, пирамида, цилиндр, конус, шар ва тор)ларни ва ўқув топшириқларини бажариш пайтида предметларни аниқ тасвирлаб билишга тайёрлаш ҳамда фазовий тасаввурлар кўламини кенгайтиришга ёрдам бериш, уларни системага солиш ва хотирада мустаҳкамлашдан иборат¹.



Фазовий тасаввурни ривожлантириш ўқувчиларнинг фазовий хаёл қилишларини ривожлантириш билан боғлиқ. Чизмачиликдан ўқув топшириқларни бажариш давомида тўпланган фазовий тасаввурлар кўламини асосида ўқувчи хаёлан ярата билиши, янги фазовий шаклни лойиҳалаб билиши керак. Яъни бирор бир буюмни лойиҳалаш ёки мавжуд буюмни такомиллаштириш масалаларини (лойиҳалаш элементли ижодий масалаларни) бажариш (ечиш) учун фазовий тасаввури ривожланган бўлиши керак. Лойиҳалаш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ривожланиб бориши билан бир қаторда фазовий тасаввур кўламини ҳам кенгайтиб боради.

Чизмачиликни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириб бориш келгусида мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшадиган конструкторлар, дизайнерлар ва ш. к. ни тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга.

¹ Проспранственные представления как средство познания объективной действительности. Московский государственный педогогический институт. Москва, 1973.


Буюмларни лойиҳалаш, мавжуд буюмларни такомиллаштириш масалаларини бажариш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш воситаларидан ҳисобланади.

Маълумки, эскиз ҳам чизма бўлиб, лекин у зарурий (керакли) пропорция (нисбат)га риоя қилган ҳолда чизмачилик асбобларидан фойдаланмасдан бажарилади. Эскиз икки мақсадда фойдаланилади: янги буюм (детал) лойиҳасининг эскиз ишланмасини бажаришда. Қайсиким, ундан деталнинг тажриба намунаси тайёрланади ёки иш чизмаси бажарилади ҳамда тайёр деталдан эскиз чизишда. Ўқувчиларга эскиз мавзусини ўтиб бўлгандан сўнг, дарсда тайёр детал эскизи бажартирилиб, сўнгра лойиҳа хақида тушунча бериб, вазифа сифатида уйларидаги ўзларига таниш оддий гултувак ёки уй-рўзғор буюмлари (коса, пиёла, тавоқ ва ш. к.)дан бирини 1-шакл, а, б дагидек ўзлари маъқул кўрган шаклда нафис ва чиройли бўлишини инобатга олган ҳолда лойиҳасини бажариб келиш топширилса мақсадга мувофиқ бўлади.



1-шакл

Тўғарак машғулотида эса 2-шакл, а, бда кўрсатилгандек мураккаброқ вариантларни бажариш яхши самара беради (1-шакл, а, б да пиёла, 2-шакл, а, б да гултувак лойиҳасининг эскиз ишланмаси ва лойиҳа чизмаси (лойиҳаси) бажарилган.



2-шакл

Ўқувчи буюм лойиҳасини яратаётганида ижодий ҳаёл суради. Бунда энг яхши ва аниқ натижа олиш учун буюм шаклини таҳлил қилади, унинг элементлари орасидаги нисбат ва ўлчамлари қандай бўлиши кераклиги ҳақида мулоҳаза юритади ва хулоса қилади. Бу оддий буюмларни лойҳалашда ўқувчиларнинг нафақат ижодий қобилияти ривожланади балки уларнинг фазовий тасавури ҳам ривожланади, ижодий ҳаёли ўсади, фаоллиги ва фанга бўлган қизиқиши янада ошади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена развитию творческих способностей учащихся на основе конструирования простых изделий.

SUMMARY

Article is devoted development of creative abilities of students on basis designing of simple products